

ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛИ ОЛМОШЛАРИНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7333724>

Каримов Акрамджан Абилевич

Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори

a.a.karimov56@mail.ru

Annotation. *Akramdzhan Karimov's article “Some Theoretical Issues of Pronouns in Chinese and Uzbek” considers some typological features of pronouns in Chinese and Uzbek. In particular, the features of highlighting them as a separate part of speech, their semantic, structural and functional features. It is pointed out that when identifying nominal parts of speech in Chinese, which include pronouns, adjectives due to their functional features, unlike the Uzbek language, are not included in the number of nominal parts of speech.*

Key words: *Chinese language, Uzbek language, typological classification, pronouns, nominal parts of speech, semantic, structural and functional features.*

Аннотация. *Статья Акрамджана Каримова “Некоторые теоретические вопросы местоимений китайского и узбекского языков” рассматривает некоторые типологические особенности местоимений в китайском и узбекском языках. В частности особенности выделения их как отдельной части речи, их семантические, структурные и функциональные особенности. Указывается, что при выделении именных частей речи в китайском языке, в состав которых входят местоимения, прилагательные в связи с их функциональными особенностями, в отличие от узбекского языка, не входят в число именных частей речи.*

Ключевые слова. *китайский язык, узбекский язык, типологическая классификация, местоимения, именные части речи, семантические, структурные и функциональные особенности.*

КИРИШ

Турли тиллар лексикасини олимлар икки катта гуруҳга бўладилар: номлар ва предикативларга ҳамда кичикроқ бир гуруҳга хизмат қилувчи сўзларга. Масалан, рус тилида имена груҳига имя существительное, имя прилагательное, имя числительное, местоимениелар киритилади. Ўзбек тилида исмларга от, олмош, сон ва сифатлар мансуб деб билинади. Хитой тилида бошқа тилларга ўхшаб исмий сўз туркумларини ажратиш мумкин. Бошқа тиллардан фарқли равишда, хитой тилида исмий сўз туркумларга: от, олмош, сон, ҳисоб сўзи киритилади. Эътибор берсак хитой тилида исмий сўз туркумларига сифат киритилмаган. Асосий сабаблардан бири сифатларга мансуб сўзларнинг типологик хусусиятларидир. Яъни улар ўзининг функционал-грамматик хусусиятлари феълларга яқин бўлгани учун олимлар уларни феъллар билан алоҳида предикативлар гуруҳини ташкил этади деб билишади.

Тилнинг типологик хусусиятларига уч нарса киритилади: лексик семантик, структур ва функционал хусусиятлари. Лексик-семантик деганимизда сўзлар маъносини ва шу маъно маълум шароитда ўзгара олишини назарда тутамиз. Структур деганимизда сўзнинг тузилиш хусусиятлари ва улар сўзнинг маъносига ёки қўлланилишига қандай таъсир қилишини назарда тутамиз. Функционал хусусиятлар деганда, сўзнинг грамматик ва синтактик хусусиятларини назарда тутамиз. Шу уч нарса тилнинг типологик хусусиятларини ташкил этади. Шу жумладан олмошларни ҳам.

Тилшуносликда тилларни типологик жиҳатдан таснифлашда мезон сифатида тилларнинг грамматик маъносини аңлатиш учун ишлатиладиган қўшимчаларнинг сўзларга

кўшилиш техникаси олинади, яъни морфологик мезон асосий роль ўйнади. Бироқ хитой тилига нисбатан сўзлар орасидаги мунособат, яъни изоляция олинган. Бу дегани, хитой тилида морфологик қўшимчалар яққол кўринмагани ва кўп бўлмагани учун, мезон сифатида синтактик мезон олинганини билдиради. Шу сабабдан мавжуд бўлган тиллар таснифини ҳам мукамал деб бўлмайди. Бундай ҳоллат хитой тили морфологик хусусиятларини батафсилроқ ўрганишга сабаб бўлиши аниқ.

Сўз туркумларга ажратишда тилшунослар мезон сифатида сўзларнинг туб маъносини ва грамматик катеорияларини инобатга оладилар. Грамматик категорияларини эса одатда, айнан қўшимчалар ифодалайди. Натижада ўтган аср бошларида Г.Габеленцга ўхшаган йирик тилшунос олимлар хитой тилида бундай кўрсаткичлар бўлмаса, сўз туркумларини ажратиш хожати борми? деб гумонга борган. Ёки ҳозирги кунгача айрим тилшунос олимлар ҳозирги хитой тилини классик аморф тили сифатида мисол келтириши, тил ходисаларига объектив баҳо беришдан узоқлигини кўрсатади. Хитой тилининг ўзига хос тарафлари кўп, лекин шунга қарамай сўз туркумларини ажратиш мумкин. Масалан олмошларни олсак, хитой тилида кишилиқ олмошларини ажратишда одатда катта муамолар бўлмайди, лекин сўроқ олмошларига келсак бунда айрим олимлар уларни олмошлар эмас сўроқ сўзлари деб аташ амалий жиҳатдан осонроқ бўлар эди. Шунга қарамасдан кўпчилик хитойшунослар ва дарсликларда бундай сўзлар сўроқ олмошлари деб келинмоқда.

Хитойшуносликда сўз туркумлари масаласини биринчи бўлиб хорижий тилшунослардан А.А. Драгунов кўтарган. Сўзларни туркумларга бўлишда у қуйидаги тўртта гуруҳни ажратади: исмий сўзлар, предикатлар, ҳизмат қилувчи сўзлар ва алоҳида равишлар. Хитой тилшуносларидан биринчи бўлиб сўз туркуми ҳақида 1898 йилда Ма Цзян джун маълумот берган эди. Унинг таснифида камчиликлар бўлса-да, у биринчилардан анъанавий хитой тилшунослигидан фарқли равишда европача талқиндаги хитой тили грамматикасини тузган ва сўз туркумлари ҳақида гап очган. Анъанавий хитой тилшунослигида икки тур сўзлари (иероглифлари) ҳақида гапириш жоиз: бири мустақил маъноли сўзлар бўлса, иккинчиси хизмат қилувчи сўзлардир. Олмошларни эса олим 代名字 атамаси билан биринчи бўлиб атаган.

Булардан кейин ҳам бир қанча олим сўз туркумлари ҳақида илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Ҳозирги пайтда хитой тилидаги сўз туркумлари ҳақида гапириш одатий ҳолга айланганлигига қарамай, бу масала тўла ўрганилмаган деб ҳисобланади. Сабаби хитой тили сўзларининг маълум бир қатлами бир неча сўз туркумига мансуб бўла олади. Масалан, отларга мансуб сўз феълларга ҳам мансуб бўла олиши мумкин. Феълларга мансуб сўз олд кўмакчиларга ҳам мансуб бўла олиши мумкин. Шунинг учун сўзларни туркумлаштириш мезонларини ишлаб чиқиш ҳам онсон иш эмас. Олмошларни ажратиш олишга келсак, одатда бошқа туркумларга ўхшаб, катта муаммо чиқмайди.

Турли тилларда от ва олмош сўз туркуми бир-бирига яқин деб ҳисобланади. Хитой тили ҳам бундан мустасно эмас. Исмий сўз туркумлари орасида от ва олмошга мансуб сўзлар бир-бировига ҳам лексик, ҳам грамматик жиҳатдан ўзаро яқиндир. Бироқ хитой тилида ўзига хослик тарафи шундаки, фақат кимсаларни билдирадиган отлар ва олмошлар ҳар жиҳатдан яқиндир, бошқа отларга мансуб бўлган сўзлар (вақт, ўрин-жой ва бошқалар) билан бундай эмас.

Ўзбек тилида ҳисоб сўзлар алоҳида сўз туркуми сифатида ўрганилмайди, хитой тилида эса ҳисоб сўзлар алоҳида сўз туркуми сифатида тан олинади. Улар лексик ва грамматик жиҳатдан сонларга яқин, сабаби икки сўз туркуми ҳам миқдор билан боғлиқ, бироқ фарқи шунда-ки ҳисоб сўзлар ўзидан кейин келадиган отларнинг маълум бир турга хослигини билдиради ва таснифлашга қодирдир.

Хитой тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу иероглифик ёзувдир. У тилнинг уч сатҳида ўрганилиши мумкин: фонетик, лексик ва грамматик. Демак, иероглиф лексикага, яъни тилнинг сўз бойлигига ҳам таъсири кучлидир. Сўз бойлигининг маълум қисмини терминлар ҳосил қилади. Таъриба шуни кўрсатадики, хитой тилига оид терминларни ўзбек тилига таржима қилишда бир қанча омилларни инобатга олиш лозим. Биринчидан, сўзлар таркибидаги иероглифларни, уларни асли маъноларини; иккинчидан, хитойликлар турмуш тарзи ва маданиятини ва учинчиси ўзбекларнинг тили ва маданиятини. Зинҳор учинчи тил орқали сўзларни таржима қилиб бўлмайди, бу чалкашлик ва тушунмовчиликка олиб келиши мумкин.

Хитой олимларининг фикри. Ўтган асрнинг яримидан то 80чи йилларнинг охиригача хитой тилшунослари ўндан зиёд хитой тили грамматикаларини яратдилар, шулардан энг йириклари ва таниқлилари саккизта: Ли Цзин сининг “Янги давлат тили грамматикаси”, Ванг Лининг “Ҳозирги хитой тили грамматикаси”, Люй Шүсянғ ҳамда Чжу Дэ сининг “Грамматик талқин марузалари”, Динг Шенг шунинг “Ҳозирги хитой тили грамматика марузалари”, Чжанг Чжи гун тахрир остидаги “Хитой тилидан билимлар”, Ху Чжун шу тахрири остидаги “Ҳозирги хитой тили”, Ченг Ванг даонинг “Адабий тил грамматикасидан қисқача курс” ва Чжу Дэ сининг “Грамматикадан маърузалар”.

Деярли ҳамма олимлар хитой тилшунослик анъаналарига содиқ холда сўзларни икки катта гуруҳга бўладилар 实词 (тўлиқ) маъноли сўзларга ва 虚词 (пуч) мустақил маънога эга бўлмаган сўзларга. Фақат Динг Шенг шу бунга амал қилмаган ва тўппа тўғри ўнта сўз туркумини ажратган ва исмий сўз туркумланини ҳам алоҳида бермаган.

Санаб ўтилган грамматикалардан, исмий сўз туркумлар тушунчаси ҳақида, фақат учтаси сўз юритади бу Ли Цзин си, Ченг Ванг дао ҳамда Чжу Дэ силардир. Фарқли тарафи шундаки Ли Цзин си 实义词 атамаси билан ажратган бўлса, қолган иккита олим эса 体词 атамасини ишлатган. Бундан ташқари Ли Цзин си ўзига хослиги шундаки у исмий сўзларга фақат иккита сўз туркумини киритган: 名词 отларни ва 代名词 олмошларни. Ченг Ванг дао ҳам исмий сўз туркумларга 名词 отларни ва 代词 олмошларни киритади. Чжу Дэ сининг йўли анча мукамалроқ бўлиб у исмий сўзларга: 名词 отларни, 处所词 ўрин-жой сўзларни, 方位词 тараф-йўналиш сўзларини, 时间词 вақт сўзларини, 区别词 фарқловчи сўзларни, 数词 сонларни ва 量词 ҳисоб сўзларни киритган.

Олмошлар ҳақида гапирадиган бўлсак, Ли Цзин си уларни тўрта кенжа турга бўлади: 人称代名词 кишилиқ олмошлари, 指示代名词 кўрсатиш олмошлари, 疑问代名词 сўрок олмошлари ва 联结代名词 боғловчи олмошлар.

Ченг Ванг дао ўз китобида олмошларни учта кенжа турга бўлади: 人称代名词 кишилиқ олмошлари, 关接代名词 алоқадор олмошлар ва 询问泛提代名词 хунвен фанти даісі сўрок олмошлари. Қизиғи шундаки Чжу Дэ си олмошларни алоҳида сўз туркум сифатида ажратсада уларни исмий сўз туркумларга қўшмаган. Лекин олмошларни икки кенжа турга бўлишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Олим олмошларни 体词性的 субстантив ва 谓词性的 предикативларга бўлади. Атамалардан келиб чиққан холда Чжу Дэ сини тушунса бўлади, иккилангани сабабли олмошларни на исмий сўзларга на бошқасига киритишга жазм қилмаган, шу сабабли икки туркумларни ўртасида жойлаштиришга қарор қилган.

Чжу Дэ сини илғорлиги шундаки у Ли Цзин си ва Ченг Ванг даолардан фарқли равишда от ҳамда олмошлардан ташқари исмий сўзларга сон ва ҳисоб сўзларни қўшган. Сонларни эса учта кенжа турга бўлади: 系数词 санок сонлар, 位数词 сон разрядларини билдирадиган сўзлар ва 概数词 тахмин сонлар(ни билдирадиган сўзлар).

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, хитой тили грамматикаларида учрайдиган терминларни ва улар англатадиган тил ходисаларни, хитой олимлар ёзган грамматика китобларини ёки илмий мақолаларини ўқиш тажрибасига эга бўлмасдан ўзбек тилига ўгириш ва талқин қилиш мумкин эмас.

Маълумки хитой тили типологик жиҳатдан изолятив тилларга мансуб¹, тўғрироқ қилиб айтганда, агглютинация ходисаси мавжуд бўлган изолятив тилдир. Шу сабабли унинг турли грамматик категориялари ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шулардан бири бу сон категориясидир.

Хитой тилшунослари сон категориясини йўқ деб биладилар, шу билан бирга, кўплик микдорини ифодалаш учун бир қанча морфологик, лексик ва мантикий усуллар мавжудлигини тан олади ва конкрет мисолларни келтирадилар ҳам. Хорижий ва хитой олимларининг хитой тилида сон категориясини инкор қилиши, бизнинг назаримизда, анча баҳсли масалалардандир. Агар бирон бир тилдаги грамматик маъно бошқача ифодаланса, шу тилда умуман кўрсатилган категория йўқлигидан далолат бермайди, балки бошқача услубларни объектив равишда қабул қилиб, уларнинг тилдаги ролини тўғри таърифлаб юзага чиқариш керакдир.

Шу сабабдан, бизнинг тадқиқотларимиздан мақсад – хитой тили исмий сўз туркумига, шу жумладан олмошларга мансуб бўлган сўзларни илмий асосда таҳлил қилиб, уларнинг типологик хусусиятларини аниқлаб, объектив баҳо бериш.

Бизнинг иш бевосита олмошлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, олмошлардан мисол келтирамиз. Хусусан олмошлар ва кўплик категорияси тўғрисида сўз юритсак, шуни таъкидлаб ўтиш жизки кўплик категорияси айнан отларга мансуб категориядир, яъни кимсаларни билдирадиган отлар кўплик формаси -мэн суффикси билан ясалади.

Ўзбек олимларининг қарашлари. Азим Ҳожиёвнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғатида” олмошларга куйидагича изоҳ берилган: от, сифат, сон аби сўзлар ўрнида қўлланувчи, предмет, белги, микдорга ишора қилувчи сўзлар туркуми.² Шоназар Шоабдурахмонов бошчилигида бир гуруҳ ўзбек олимлари ёзган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобида³ тилдаги барча сўзлар ўзига хос белги- хусусиятларига кўра маълум группаларга ажратилади. сўзларнинг бундай гуруҳлари сўз туркумлар дейилади.

Сўзлар энг умумий хусусиятларига кўра дастлаб уч турга бўлинади: мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар (мустақил бўлмаган) ва алоҳида гуруҳ сўзлари. Мустақил сўзлар умумий категориал маънолари асосида куйидаги туркумларга бўлинади: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш. ёрдамчи ва алоҳида гуруҳ ҳақида батафсил маълумот беришимиз шарт эмас, чунки бу бизнинг мақсадимизга кирмайди. Демак мустақил сўзлар ичида олмошлар ҳам бор экан ва унга юқорида келтирилган изоҳ бералади. Масалан: *шу, мен, қандай, қачон, қайси, қанча*.

Олмошлар конкрет маъно билан умум мавҳум маънонинг алмашилиб қўлланилишини характерловчи сўзлардир.

Демак, олмошлар предмет, шахс, белги ёки микдорни у ёки бу муносабатга киришган ҳолда ифодалайди. Олмошнинг конкрет маъноси контекст, ситуация, нутқ процессида иштирок этувчиларнинг муносабатига қараб аниқлик касб этади.

Кўпгина олмошларнинг мустақил сўз туркумлари орасида эквиваленти бўлади. баъзи олмошларнинг прототипи йўқ. Масалан: *ким, қандай, мен, сен* каби олмошларни бирор от ёки сифат билан алмаштириб бўлмайди.

¹ А.А.Каримов. “Особенности агглютинации в китайском и узбекском языках”; в Материалах II Конференции по китайскому языкознанию. «Наука», М., 1984 г.

² Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Т. Ўқитувчи. 1985 й. 63 бет.

³ Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т. Ўқитувчи. 1980 й. 212 бет.

Олмошлар бошқа сўз туркумларидан ўзига хос баъзи грамматик хусусиятлари билан фарқланади:

1. Бошқа сўз туркумларидаги каби сўз яшаш ҳодисаси кучли эмас.

Олмошлардан санокли аффикслар орқали от, равиш ёки феъллар ясалиши мумкин. Масалан: *Укангиз мени менсимай кўйди.*

Оддийгина шундай танишидикда, суҳбатлиша кетдик иккимиз.

2. Олмошлар баъзи сўзлар билан кўшилиб, бошқа сўз туркумига кўчиши мумкин: *қаерда, озмунча, ўзбошимча, манманлик қилмоқ* ва бошқалар. Лекин ҳеч қайси сўз туркумидан аффиксация ёки композиция йўли билан олмош ҳосил қилиб бўлмайди.

3. Олмошлар отларга хос сўз ўргартирувчилар билан ўзгаради. Олмошлар кишилик аффиксларини олади ва улар белгили қўлланилади. *Уни учратдим. Сиздан ўргандим.*

Одатда, олмошларнинг от ўрнида қўлланилувчи турлари отларга хос сўз ўзгартирувчи аффиксларни қабул қилади: *кимни, биздан, уларга, ҳеч кимни* ва бошқалар.

Олмошлар жуфтланиб, бошқа сўз туркуми вазифасида келади: *...унча-мунча қараб патта олди. Қанча-қанча ўйлар ўтди ҳаёлидан.*

Шафкат Раҳматуллаевнинг “Ҳозирги адабий ўзбек тили” китобида: Бошқа туркум лексемаларга бериладиган сўроқни билдирувчи ва шундай лексемалар ўрнида ишлатилувчи бирликларга олмош лексемалар туркуми дейилади. Олмошдан лексик маъно эмас, балки мавҳум грамматик маъно англашилади.⁴

Кўриб турганимиздек ўзбек тилшунослари ўзбек тилидаги олмошларга берган таърифда нисбатан яқдиллик мавжуд, бироқ тил бирлиги сифатида уларни сўз ёки лексикалар деб билиши ҳам нисбатан жуда яқиндир. Чунки тилшунослигда сўзларни лексик бирлик деб талқин этилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки: - Хитой ва ўзбек тиллари типологик жиҳатдан ҳар хил тиллар гуруҳларига мансублиги, яъни хитой тили изолятив, ўзбек тили эса агглютинативлиги тилнинг бирликлари ва ходисаларига ўз таъсирини кўрсатган;

- хитой ва ўзбек тилларида исмий сўз туркумини ажратиш мумкинлиги аниқланди, бироқ уларни таркибида фарқ бор. Хусусан хитой тилида исмий сўз туркумларга: от, олмош, сон ва ҳисоб сўзлари киритилади. Ўзбек тилида эса исмларга от, олмош, сон ва сифатлар мансуб деб билинади. Эътибор берсак хитой тилида исмий сўз туркумларига сифат киритилмаган. Асосий сабаблардан бири сифатларга мансуб сўзларнинг типологик хусусиятларидир. Яъни улар ўзининг функционал- грамматик хусусиятлари феълларга яқин бўлгани учун олимлар уларни феъллар билан алоҳида предикативлар гуруҳини ташкил этади деб билишади;

- турли тилларда от ва олмош сўз туркуми бир-бирига яқин деб ҳисобланади. Хитой тили ҳам бундан мустасно эмас. Исмий сўз туркумлари орасида от ва олмошга мансуб сўзлар бир-биривига ҳам лексик, ҳам грамматик жиҳатдан ўзаро яқиндир. Бироқ хитой тилида ўзига хослик тарафи шундаки, фақат кимсаларни билдирадиган отлар ва олмошлар ҳар жиҳатдан яқиндир, бошқа отларга мансуб бўлган сўзлар (вақт, ўрин-жой ва бошқалар) билан бундай эмас;

- хитой тилида кишилик олмошларини ажратишда одатда катта муамолар бўлмайди, лекин сўроқ олмошларига келсак бунда айрим олимлар уларни олмошлар эмас сўроқ сўзлари деб аташ амалий жиҳатдан осонроқ бўлар эди, деб ҳисоблашади. Шунга қарамасдан кўпчилик хитойшунослар ва дарсликларда бундай сўзлар сўроқ олмошлари деб келинмоқда.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР (REFERENCES)

⁴ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Т.Университет. 2006. 210 бет.

1. А.А.Каримов. “Особенности агглютинации в китайском и узбекском языках”; в Материалах II Конференции по китайскому языкознанию. «Наукв», М., 1984 г.
2. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Т. Ўқитувчи. 1985 й. .
3. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т. Ўқитувчи. 1980 й.
4. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Т. Университет. 2006.
5. Karimov, A. A. (2022). The Problem Of The Grammatical Category Of The Chinese Language. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 5, 226-229.
6. Каримов, А. А. (2021). СООТНОШЕНИЕ ПОНЯТИЙНОГО И АССОЦИАТИВНОГО НАЧАЛО В ИЕРОГЛИФИЧЕСКОМ ПИСЬМЕ (на примере иероглифа 日 «солнце»). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(Special Issue 1), 76-81.
7. Каримов, Акрамджан Абильевич (2022). ИЕРОГЛИФ 就 И ЕГО НАРЕЧИЙНЫЕ ЗНАЧЕНИЯ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (Special Issue 22), 70-75. doi: 10.24412/2181-1784-2022-22-70-75
8. Karimov, A. A. (2022). A General Question about Sentence Classification in Chinese. International Journal on Integrated Education, 5(7), 101-106. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJIE/article/view/3376>